ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261, 2022-2.889, 2023-5.384, 2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-5

УЎТ: 635.656: 631.527

Кўк нўхатни лалмикор майдонларда қимматли хўжалик белгилари бўйича танлаш.

Наҳалбаев Ж.Т., қ/х.ф.ф.д.(PhD).,к.и.х, Дуккакли дон экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси мудири

Маматқулова С.У., I босқич таянч докторанти

Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти

Аннотация: Ушбу мақолада маҳаллий ва хориждан келтирилган хашаки ва хўраки кўк нўхат нав намуналарининг лалмикор майдонлардаги қимматли морфобиологик белгилар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: кўк нўхат, нав, тизма, чидамлилик.

Аннотация: В статье представлены сведения о ценных хозяйственно-морфобиологических признаках в богарны района образцов сортов гороха кормовой и пищевой, завезенных из местных и зарубежных стран.

Ключевые слова: горошек зеленый, сорт, линия, устойчивость.

Annotation. The article presents information about valuable economic and morphobiological features in the rainfed areas of the region samples of fodder and food pea varieties imported from local and foreign countries.

Key words: green peas, variety, line, stability.

Республикамизда чорва моллари ва паррандалар бош сонини барқарор оширишни таъминлашда мустаҳкам озуқа базасини яратишда оқсилга бой дуккакли дон экинлар маҳсулотларини кўпайтириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартда қабул қилинган “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисида Фармонида [1] чорвачилик ва паррандалик соҳаларини ривожлантиришда озуқа базасини мустаҳкамлаш учун зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш белгилаб берилди.

Бунда лалмикор ерларда бошоқли дон экинлари етиштиришда алмашлаб экиш тизимида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда кўк нўхатни экиш фермер хўжаликлари учун иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади.

Кўк нўхат дони таркибида 18-35 % оқсил, 20-50 % крахмал, 4-5 % қанд, 0,6-1,5 % ёғ, 2-10 % клетчатка, 2-4 % кул моддалари ташкил этади.

Дуккакли дон экинларининг донида ҳазм бўладиган оқсил миқдори ғалла экинларига нисбатан 1,7 баравар, маккажўхорига нисбатан 1,2 баравар, арпага нисбатан 2,2 баравар юқори эканлиги билан аҳамиятлидир.

Юқори сифатли ширали озуқалар ва концентрланган омухта ем ишлаб чиқаришда оқсилга бой маҳсулотлар етиштиришда хашаки нўхат майдонларини кўпайтиришда эртапишар, ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига, касалликларга чидамлилиги юқори, ҳосилдор навларини яратиш тадқиқотларимизнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Дала тажрибаларини жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси томонидан қабул қилинган (1989) [2] ва СЕҒДЎИТИ Ғаллаорол филиали (ҳозирги ДДЭИТИ Ғаллаорол ИТС) томонидан ишлаб

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261, 2022-2.889, 2023-5.384, 2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-5

чиқарилган услубий қўлланма (2004) [3]асосида, тажрибалардан олинган маълумотларни дисперцион математик таҳлил қилиш Б.А.Доспехов (1985) [4] услуби бўйича амалга оширилди.

Намуналар питомнигида кўк нўхат нав намуналари 1 қатордан 2 метр узунликда, қатор ораси 30 см қилиб қўлда экилди. Бунда андоза Восток-84 навига таққослаб тадқиқотлар ўтказилди.

Кўк нўхатнинг хашаки ва хўраки йўналишидаги 15 та нав намуналарида қимматли морфологик-биологик ва хўжалик белгилари ҳамда хусусиятлари бўйича кузатувлар олиб борилиб, таҳлил ишлари бажарилди. Уруғларнинг тўлиқ униб чиқиш муддати 10-11апрел, гуллашнинг бошланиши 16-23 май, пишишнинг бошланиши еса ертапишар нав намуналарида 10-12 июн кунларига тўғри келганлиги фенологик кузатувлар натижасида аниқланди (1-расм).



1-расм. Лалмикор майдонларда хашаки ва хўраки кўк нўхат нав намуналарини дала шароитида ётиб олишга ва ўрим олди дон тўкилишига чидамлилигини баҳолаш.

Нав ва тизмалар ўсимликларининг ётиб қолишга ва тўкилишга чидамлиги Давлат нав синаш комиссияси услуби (1986) асосида жуда чидамсиз- 0 баллдан, кучли чидамлилик- 5 баллгача бўлган тизим асосида баҳоланди (1-жадвал).

Восток-84, Зерноукосный, Юниор, Восток-55, Ўзбекистон-2011 навлари, 201401, 201402, МГ-2020/01, МГ-2020/02 тизмалари ўрим олди тўкилишга, Аксойскый Усатый, Усатый, Осиё-2001, Мороз, Усатый-86 навлари ётиб қолишга чидамлилиги фенологик кузатувлар натижасида аниқланди.

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261, 2022-2.889, 2023-5.384, 2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-5

1- жадвал

Кўк нўхат нав намуналарининг қимматли хўжалик ва морфобиологик белгилари (Ғаллаорол, 2024 йил)

№	Nav va tizmalar nomi	O‘suv davri, kun	O‘simlik bo‘yi,sm	To‘kilishga chidamlilik, ball		Yotib qolishga chidamlilik, ball
				O‘rim oldi	O‘rim vaqtida	
1	Vostok-84 (and)	71	71,0	4	4	3
2	Zernoukosnыy	70	84,0	4	4	3
3	Yunior	75	82,0	4	3	3
4	Vostok-55	70	69,5	4	4	3
5	Aksoyskыy Usatыy	66	64,5	3	2	4
6	201401	70	74,0	4	4	3
7	Osiyo-2001	64	72,0	4	3	4
8	Usatыy-86	67	68,5	3	2	4
9	201402	70	63,5	4	3	3
10	Usatыy	64	64,0	3	2	4
11	Jasur-98	70	71,5	3	3	4
12	O‘zbekiston-2011	71	69,0	4	4	3
13	Moroz	68	33,5	3	2	5
14	MG-2020/01	66	68,5	4	4	3
15	MG-2020/02	67	69,0	4	4	3

Ўтказилган тажрибаларимиз кузатувлари давомида олинган натижаларнинг асосида хулоса қилинганда лалмикор ерларда кўк нўхатнинг бошланғич манбаларини танлашда қимматли морфологик, биологик ва хўжалик белгиларини чуқур таҳлил этиш ишларини олиб бориш зарурлигини кўрсатади ва шу асосда янги навлар яратиш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартда қабул қилинган “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисида Фармони.

2. Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур. Москва. 1989.

3. Донли экинлар селекцияси ва бошланғич уруғчиги бўйича услубий қўлланма. Ғаллаорол 2004

4. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва. 1985